

РАҲИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти
тарих фанлари номзоди, доцент
durbekr@yahoo.com

ИСЛОМ МАНБАЛАРИНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ ИСЛАМСКИХ ИСТОЧНИКОВ В ФОРМИРОВАНИИ РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ

THE ROLE OF ISLAMIC SOURCES IN THE FORMATION OF RELIGIOUS TOLERANCE

Аннотация. Мақолада ислом тарихида шу диннинг муқаддас манбаларини ғаразли мақсадларда талқин этишга ҳаракат қилаётган гуруҳларнинг ноўрин иддаолари илмий асосда фош этилган. Айни кунда ўтмишдаги мутаассиб гуруҳларнинг ёндашув ва услубларини қўллашга уринаётган оқимларнинг даъволари ўринсиз экани очиқ берилган. Шунингдек, ёш авлодни бағрикенглик руҳида тарбиялаш учун зарур бўлган жиҳатлар кўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: диний бағрикенглик, мутаассиблик, хаворижлар, омон, мисвок, талқин, оят, ҳадис.

Аннотация. В статье на научной основе разоблачаются неуместные заявления тех групп, которые пытались интерпретировать священные источники этой религии в корыстных целях в истории ислама. Также освещается суть претензий течений, пытающихся перенять подходы и методы фанатичных групп прошлого в сегодняшний день. Также показаны аспекты, необходимые для воспитания молодого поколения в духе толерантности.

Ключевые слова: религиозная толерантность, фанатизм, хаваридж, плуг, мисвак, интерпретация, аят, хадис.

Annotation. The article scientifically exposes the inappropriate statements of those groups who tried to interpret the sacred sources of this religion for selfish purposes in the history of Islam. It also highlights the essence of the claims of movements trying to adopt the approaches and methods of fanatical groups of the past in the present day. The aspects necessary to educate the younger generation in the spirit of tolerance are also shown.

Keywords: religious tolerance, fanaticism, hawarij, plow, miswak, interpretation, ayah, hadith.

КИРИШ

Диний кадрятлардан ўз ғаразли мақсадларини амалга оширишни кўзлаган айрим гуруҳлар ислом манбаларида келган оят ва ҳадисларни бузиб талқин этишга уринадилар. Ваҳоланки, ислом манбаларида кишиларни инсонпарварлик, ватанпарварлик, бунёдкорлик каби эзгуликка, инсониятга зарар келтирувчи ҳар қандай иллат ва салбий ҳолатлардан сақланишга чақирилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Хаворижлар” Қуръони каримдаги «Хукм Аллоҳдан ўзганики эмас» [1:134] деган оят билан ўзларининг тажовузкорлик ҳаракатларини оқламоқчи бўлган эдилар. Ислам тарихида радикал гуруҳ сифатида танилган ушбу “Хорижийлар” VII асрда биринчи бўлиб давлат раҳбарига қарши чиққан оқимлардан эди. Юкоридаги оятни келтириш билан улар «раҳбар ҳукм чиқаришга ҳақли эмас, фақат Аллоҳнинг каломи билангина иш тутиши лозим» демоқчи эдилар. Аммо ўша даврдаги мусулмонлар пешвоси ҳазрат Али ибн Абу Толиб томонидан уларнинг бу сўзлари ва қилмишларига нисбатан «Ботил мақсадни кўзлаб айтилган ҳақ сўз» деган баҳо берилди.

Мазкур воқеа тафсилотларидан кўринадики, мутаассиб гуруҳлар ўзларининг қилаётган ишларини доимо диний манбалар, хусусан Қуръон оятлари билан ғаразли йўл билан далиллашга ҳаракат қилганлар. Лекин уларнинг бу уринишларига қарши ислом улаомлари асосли раддиялар берганлар.

Мутаассиб гуруҳларнинг фаолиятида ҳадисларни ҳам ўз манфаатларига мос тарзда талқин этишга уриниш кўп марта кузатилган. Улар ўз ғаразли мақсадларига хизмат қилувчи ғояларни ҳадислар орқали кишилар онгига етказишга уринар эдилар. Чунки мусулмонлар орасида ҳадис оддий сўздан кўра кўпроқ тингланар ва қабул қилинар эди. Баъзан манфаатларига мос келадиган ҳадислар топилмаса, сохта ҳадисларни ҳам тўқишдан қайтмас эдилар.

Имом Бухорий, Муслим, Термизий каби муҳаддислар томонидан IX асрда ишончли, саҳиҳ ҳадисларни тўқима ва заифларидан ажратиб берилиши ислом никоби остида турли бузғунчи ғоялар тарқалишига кескин зарба берди [2:256]. Аммо дин номидан

ғаразли мақсадларини амалга оширишга интилувчи кучлар бу билан ўз фаолиятларини тўхтатмадилар. Энди улар мақсадга эришишда «сахих ҳадислар»ни ўзларига қурол қилиб олишга киришдилар. Бунинг учун ҳадис матнини бузиш ёки янгиларини тўқиш эмас, балки мавжудларини ўз манфаатларига мос тарзда талқин этиш ва шунингдек, айрим уларнинг фикрига зид бўлган ҳадисларни заиф ва ишончсизга чиқариш йўлига ўтдилар. Бу каби салбий ҳолатлар ҳам ҳадис илми олимлари эътиборидан четда қолмади. Бунинг олдини олиш учун улар ҳадисларни тўғри тушуниш ва талқин этиш шартларини ишлаб чиқдилар.

Ҳадисларни тўғри тушуниш ва талқин этиш учун зарур бўлган асосий шартлардан бири сифатида араб тилини яхши билиш саналади. Зеро, инсон гапирганда тилнинг барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Мақол, ҳикматли сўз, афоризмларни ишлатмай туриб мақсадни таъсирли ифодалаб бўлмайди. Ҳадисларни ўрганиш натижасида Пайғамбар алайҳис-салом ҳам гапирганда араб тилининг имкониятлардан нақадар кенг фойдаланганликлари маълум бўлади.

Бир тилдан бошқасига сўзма-сўз таржима қилганда айтувчининг мақсадини тўғри ифодалаб бўлмайдиган ибораларни ажрата олиш учун киши ўша тилдаги мазкур ибораларнинг этимологияси, ишлатилиш ўринлари ва маъноларини билиши талаб этилади. Хусусан, ҳадисларни тўғри англаш учун муҳаддис араб тили грамматикаси, яъни «сарф», «наҳв» илмларини ва у билан бевосита боғлиқ бўлган «балоғат», «фасоҳат» илмларини ҳам ўзлаштирган бўлиши лозим. Пайғамбар алайҳис-салом Қурайш қабиласидан эканликларини ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Бу лаҳжанинг бошқа араб қабилалариникидан фарқли жиҳатлари бор эди.

Арабистон ярим оролидаги марказий шаҳарлардан бири бўлган Маккага хос Қурайш лаҳжаси анча мукамал ва «фасих» (адабий) ҳисобланган. Бу эса ҳадис матнининг шаклланишида ўз таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмасди. Шунингдек, «балоғат» ва «фасоҳат»ли Куръон оятлари ҳам Пайғамбар алайҳис-саломга илҳомланиш манбаи бўлган. Чунки ҳадислар ислом динининг Куръондан кейинги иккинчи асосий манбаси бўлиб қолиши ҳам бежиз эмас эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, кам сўзли аммо сермаъно ҳадисларни, улардан олинадиган хулоса, панд-насихат ва ибратлардан иборат ҳадисларни тўлиқ тушуниш ва ўзлаштириш учун араб тили, унинг балоғат ва фасоҳатини мукамал ўрганиш лозим бўлади.

Сохта ҳадисларга хос хусусиятлардан бири уларнинг Куръон таълимотига мос келмаслигида кўринади. Баъзан эса ишончли ҳадислар орасида ҳам кўринишидан Куръон таълимотига гўё тўғри келмайдиган ҳадислар ҳам чиқиши мумкин. Бу ҳолатда ҳадиснинг шарҳини ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Масалан, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Абу Амома Боҳилий (р.а.) омовча қараб туриб деганлар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг: «Мана шу нарса қайси бир қавмнинг уйига кирса, албатта, Аллоҳ таоло ўша уйга хорликни киритади» деганларини эшитдим».

Мазкур ҳадисда зоҳиран деҳқончилик ишларидан қайтариш, унга тарғиб қилмаслик маъноси бордек кўринади. Ваҳоланки, ислом таълимотига кўра, хусусан ҳадисларда деҳқончиликка, боғдорчиликка, умри охирига етган киши ҳам бир дона бўлса-да, дарахт экиб кетишига, келажак авлод учун ризқ-рўз қолдиришга тарғиб этилади. Бунинг қуйидаги ҳадисларда кўриш мумкин.

Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқа муҳаддислар ривоят қилган сахих ҳадисда Пайғамбар алайҳис-салом: «Қайси бир мусулмон бирор экин экса ёки мевали дарахт ўтказса-ю, улардан қушлар, одамлар ёки ҳайвонлар еса, бу унинг учун садақа ҳукмида бўлади» [3:107], деганлар.

Имом Аҳмад «Муснад» асарида Анас ибн Моликдан ривоят қилган ҳадисда айтилади: «Сизлардан бирортангизнинг кўлида бир дона хурмо кўчати бўлган ҳолда қиёмат қоим бўлиб қолса ҳам уни экиб қўйсин» [4].

Илк ислом тарихида Пайғамбар (с.а.в.) бирор кишини деҳқончиликдан, омов ишлатишдан қайтармаганлар. Мадина аҳли доимо боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Ҳадис ва фикҳга оид китобларда ҳам деҳқончилик, зироатчилик ҳақида алоҳида боблар ажратилган, кўриқ ерларни ўзлаштирганга савоб ва имтиёзлар ҳақида сўз боради.

Юқоридаги ҳадислардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ислом дини инсонларни деҳқончиликдан қайтармаган ва «омов кирган уйга хорлик киради» маъносидаги ҳадиснинг шарҳини ишончли манбалардан олиш лозим бўлади. Имом Бухорий бу ҳадисни «Зироат асбоблари билан овора бўлиб қолиш ёки унга ҳаддан ташқари берилиш оқибатларидан огоҳлантириш» бобида келтирган экан. Бобнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, бу ҳадис орқали омовча ёпишиб олиб, бошқа нарсалар, хусусан душман бостириб келганда Ватан ҳимоясига чиқмай баҳона қилган ёки

илм олишдан четда қолган кишига нисбатан айтилган бўлиб, унда душмандан енгилиб ёки замондан орқада қолиб хорликка маҳкум бўлишдан огоҳлантирилган.

Шунингдек, янги касб-хунар, илм-маърифат эгаллаш каби бошқа зарурий ишлар турганида деҳқончиликни баҳона қилиш ноўрин экани назарда тутилган. Яна бошқа бир ҳадисда бу сўз кенгроқ шарҳланади: «Расулulloҳ (сав): «Бу нарсани, унга ўзгалар муҳтож бўлиб турган пайтда, қайси қавм (қизғаниб даласидан) уйига олиб кириб қўйса, албатта ўша қавмнинг уйига хорлик киради», деб марҳамат қилганлар» [5:385].

Ҳадисларнинг сабаб ва мақсадларини чуқур тушуниб етиш уларни тўғри талқин этиш учун зарурий омиллардан ҳисобланади. Баъзи ҳадиси шарифларнинг айтилиш сабаби ва ўзига хос кўзланган мақсадлари бор. Айримларида маълум бир шахсга, замонга, маконга, шарт-шароитга оид бўлган муаммолар айтиб ўтилган бўлади. Шу каби сабабларга кўра ҳадисларни тўғри тушуниш учун етарли илм, кунт, сабот, шаръий ҳукмларни тушуна олиш, ислом дини таълимотларини яхши ўзлаштирган бўлиш зарур. Бу эса ҳадиси шарифларда келган кўрсатмаларнинг умумий, хусусий, вақтинча, доимий, жузъий ва куллий (мутлақ) эканини яхши англаб олиш ва идрок қилишга ёрдам беради.

Баъзан «одамлар ҳозирги кунда иссиқ сувда таҳорат қилмоқдалар, ҳолбуки Пайғамбаримиз совуқ сувда таҳорат олганлар», деб кишда ҳам совуқ сувда таҳорат қилиб, касал орттириб олиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Аммо бу ҳам ҳадиснинг сиртини ушлаб, унинг моҳиятини тушунмасликнинг бир кўринишидир. Чунки Ер қуррасининг энг иссиқ ўлкалари бўлмиш Арабистон ярим ороли билан шимолий ўлкалардаги ҳолатни бир-бирига тенглаштириб бўлмайди.

Имом Бухорий, Имом Насоий, Имом Шофийлар Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.)дан: «Мисвок оғизни тозаловчи ва Павардигорни рози қилувчидир», – деган сўз ривоят қилинган. Очик-ойдин кўриниб турибдики, ҳадисдан асосий мақсад оғизни тоза тутишга қизиқтиришдир. «Мисвок» деганда кўпроқ «Арок» деб аталувчи дарахтдан олинган ёғоч тушунилади. Агар ҳадиснинг лафзига асосланадиган бўлсак, дунёдаги барча мусулмонларга Арок дарахти ёғочидан мисвок етказиб бериб туриш керак бўлади. Баъзи кишилар шундай тушунадилар ҳам. Ҳанафий мазҳабларига кўра оғизни тозалаши мумкин бўлган ҳар қандай нарса билан мисвок қилиш

мумкин. Демак, бу ҳадиснинг моҳиятига кўра, замон ўтиши билан пайдо бўлган янги тиш тозалаш воситаларини ишлатиш ҳам айтиш мумкиндир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, турли мутаассиб гуруҳлар ислом манбаларини ўз манфаатларига мос равишда бузиб талқин этишга ҳаракат қилишлари бугунги кунда кузатилмоқда. Қуръон ва ҳадис номидан гапирган, аммо мутаассиблик, итоатсизлик, зўравонлик йўлини тутган гуруҳларнинг сўзига эргашиш на диний ва на дунёвий жиҳатдан тўғри бўлмайди. Диний манбаларни тўғри тушунишга оид илмларни билмай туриб ўзбошимчалик билан хулоса қилиш, ниманидир ҳалол ёки ҳаромга чиқариш, кимнидир кофир ёки гуноҳкорга чиқариш тўғри бўлмайди. Зеро, диний манбалардан дин илмларини яхши билган олимгина ҳукм чиқариши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – 624 б.
2. Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннахр, 2012.
3. Минг бир ҳадис. – Т. II. / Арабчадан Абдулазиз Мансуров таржимаси. – Т.: Ўзбек маскани, 1991. – Б. 223 б.
4. Муснад Аҳмад. Ҳадис № 12435 // Мавсу‘ат ал-ҳадис аш-шариф. – Ширкат Саҳр ли-баромиж ал-ҳосиб. – 1991-1996 (CD-ROM).
5. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий: ал-Жомий ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам) / Шайх Абдулазиз Мансур таҳририда. – Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 712 б.
6. Алимов У. Суннат ва ҳадис. – Т.: Шарк, 2012.
7. Раҳимжонов Д. ва бошқалар. Ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган шахсларни жамиятга мослаштириш, ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тавсиялар: услубий қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020. – 160 б.
8. Бағрикенглик - барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир: А.Очилдиев, фалсафа фанлари доктори. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 124 б.
9. Ислам – тинчлик ва бағрикенглик дини / 2020 йил 4 июндаги республика илмий-амалий онлайн конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020. – 380 б.